

Музработ туманида Мактабгача таълим ташкилоти тизимида амалга оширилаётган ишлар мавзусида Матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Бугун туманда Мактабгача таълим ташкилоти тизимида амалга оширилаётган ишлар мавзусида Матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда туман Мактабгача таълим ташкилоти раҳбари Лобар Жумақулова, журналистлар ва ижтимоий тармоқ фаоллари қатнашишди.

Матбуот анжуманида Л.Жумақулова сўзга чиқиб туманда мактабгача таълим тизисидаги янгиликлар, бу соҳада олиб борилаётган ислохотлар ва туманда қилинаётган ва қилиниши режалаштирилган ишлар билан таништирди.

2017 йилда Музработ туманида **11** та мактабгача таълим муассасалари фаолият юритган. **11** та мактабгача таълим муассасаларида **1155** нафар болалар тарбияланган. Қамров **8.5** фоизни ташкил этган.

2018 йилда келиб мактабгача таълим муассасалари сони **14** тани ташкил этиб, **14** та мактабгача таълим муассасаларида **1874** нафар болалалар тарбияланган. Қамров **15,7** фоизни ташкил этди.

2019 йилда **45** та (**17 давлат, 28 та нодавлат**) мактабгача таълим муассасаларида **4200** нафар болалар тарбияланган. Қамров **33.7 %** ни ташкил этган.

2020 йилда 17 та давлат, **48 та** нодавлат жами **65 та** мактабгача таълим ташкилоти (**3 та** давлат хусусий шерикчилик асосидаги мактабгача таълим ташкилоти, **44 та** оилавий ва **1 та** хусусий МТТ) фаолият юритган.

Туманда **3-7** ёшгача бўлган болалар сони **12 771** нафарни ташкил этиб шундан **5157** нафар (**40.4%**) болалар тарбияланган. **7614** нафар болалар (**59.6 %**) қамралмаган.

2021 йилнинг июн ҳолатига **17 та** давлат, **48 та** нодавлат жами **65 та** мактабгача таълим ташкилоти (**3 та** давлат хусусий шерикчилик асосидаги

мактабгача таълим ташиклоти, **44 та** оилавий ва **1 та** хусусий МТТ) фаолият юритмоқда.

Ушбу мактабгача таълим ташкилотларида **5117** нафар (**40.1%**) болалар тарбияланмоқда.

Хозирги кунда **40 та** оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш учун Мактабгача таълим таълим вазирлиги билан БИТИМ шартномаси имзоланди. Йил охиригача **50 та** оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш режалаштирилган.

Хозирги кунда **17 та** давлат мактабгача таълим ташкилотларидан **4** таси, **1** ва **13**-сонли мактабгача таълим ташкилотлари **2019** йилги “Обод марказ” дастурига тушган, хозирги кунда тўлиқ молиялаштирилмаганлиги сабабали таъмирлаш ишлари якунига етмаган. **11**-сонли мактабгача таълим ташкилоти **2019** йил **19** январдаги туман ҳокимининг **Қ-241**-сонли қарори билан “Дехқонобод” МФЙда жойлашган собиқ болалар боғчаси туман мактабгача таълим бўлими тасарруфига ўтказилган. Ҳозирги кунда таъмир талаблиги сабабали фаолият юритмаяпти. Таъмирланиш учун **2021** йилги давлат дастурига тушган. Хозирги кунда лойиҳа ишлари кетмоқда.

2020 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги “Каронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5969-сонли фармони талбаларидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати Мажлисининг 2020 йил 4 апрелдаги 41-сонли баёнига мувофиқ **15-сонли** мактабгачатаълим ташкилоти 140 ўринли биноси фойдаланишга яроқсиз бўлганлиги сабабли бузилиб, янгидан 180 ўринли бино қурилмоқда.

2021 йил давомида қўшимча **50 та** оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари **1250 нафар**, **5 та** давлат хусусий шерикчилик асосидаги мактабгача таълим ташиклоти **250 нафар**, Маҳаллий бюджет ҳисобидан Янги давлат МТТларини ташкил этиш орқали **90 нафар**, МТТларни реконструкция қилиш орқали қўшимча ўринлар эвазига қамраб олинadиган болалар ҳисобига **270 нафар**, Мажбурий бир йиллик тайёрлов гуруҳлари ташкил этиш орқали **120 нафар**, **2021** йилнинг якунида жами **18 та** давлат, **94 та** оилавий, **7 та** давлат хусусий шерикчилик асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига тумандаги **13205** нафар 3-7 ёшли болаларнинг **7097 (53.7 %)** нафарини қамраб олиш режалаштирилган.

Туманда **37**-маҳалла фуқаролар йиғинлари мавжуд бўлиб, шулардан **14** та маҳалла фуқаролар йиғинларларида давлат мактабгача таълим ташкилотлари мавжуд. Қолган **23** та маҳалла фуқаролар йиғинлари ларида мактабгача таълим ташкилотлари мавжуд эмас.







